

# Халқ Сўзи


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

14 июнь, шанба, 1997 йил  
Сотувида эркин нархда. № 128 (1645)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 июнь кунини Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунг бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўртага ташланади. Мазкур масалалар эъзоро ҳамжихатликда ўз ечимини топаётгани, албатта, қувонарлидир. -- деди Ислам Каримов. -- Ушбу учрашувимиз ҳам эъзоро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришда ўзининг амалий самарасини кўрсатиши шубҳасиз. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан «ДЭУ» компаниялари гуруҳи ўртасидаги ҳамкорлик имкониятлари кенгайтиришдан мамнуният билдириди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонга киритилаётган «ДЭУ» сармоялари ҳажминини янада кенгайтириш, эъзоро ҳамкорликда Фаргона вилоятининг Тошлоқ туманида тўқимачилик фабрикасини очиб

сусида фикр алмашилди. Қабул маросимида Бош вазир У. Султонов, Бош вазир ўринбосари В. Чжен иштирок этди.

(Ў.А.)  
СУРАТДА: қабул пайти.  
А. ТЎРАЕВ олган сурат.

## ЁЗУВЧИЛАР МАСЪУЛИЯТИ

**Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган йиғилиши бўлди.**

Уни уюшма раиси Абдулла Орипов очар экан, давлатимиз раҳбарининг янги асарини ўрганиш, унда ўртага қўйилган вазифаларни тарғиб этиш ижодкорлар зиммасига катта масъулият юклатилиши таъкидлади. Сўзга чиққан таниқли адиблар мазкур китобда қўтарилган долзарб масалалар адабиётда ҳам акс этиши лозимлигини айтдилар.

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

Табиати муҳофазаси қилиш, унинг бойликларини авайлаб-асраш ва қўпайтириш масалалари бугунги кунда умуминсоний аҳамият касб этаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Хўш, мамлакатимизда мазкур масалалар бўйича ҳуқуқий замин яратилганми? Бу борада қандай ишлар олиб борилмоқда?

Олий Мажлис Атроф-муҳит ва табиати муҳофазаси қилиш масалалари қўмитаси аъзоси Шавқиддин Жўраев табиати муҳофазаси қилиш соҳасига доир қабул қилинган барча қонунларнинг жойлардаги ижроси қўмита томонидан назоратга олиниб, мунтазам равишда таҳлил қилиб бораётганини таъкидлади. Қўмита аъзолари шу кунларда «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг Навойи ва Тошкент вилоятларида қандай амалга оширилаётганлигини ўрганмоқда. Июнь ойининг охирида бу масала қўмитанинг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинади.

Қўмитанинг ишчи гуруҳи эса «Усимликлар ҳамда ҳайвонот дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси устида иш олиб бораётир.

Шу йилнинг март ойида Олий Мажлис Кенгашида республика Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг 1996 йилги фаолияти ҳақидаги масала муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинган эди. Бу қарорнинг ижроси ҳам қўмита назоратида турибди.

И. ХУДОЁЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ҲОКИМЛИКЛАРДА КОДЕКСЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

**Фаргона вилояти ҳокимлигининг мажлислир замида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал ва Ҳўжалик-процессуал кодекслари лойиҳаларининг муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлди.**

Унда Олий Мажлис делегатлари, маъмурий органлар, фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлиналари, юридик ва нотариал идораларнинг раҳбарлари ва мутахассислар иштирок этди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳиддинова, республика Олий суди судьяси К. Саидов, республика Олий ҳўжалик суди судьяси Е. Шомирзаева маърузалари тинланди. Маърузачилар ва сўзга чиққанлар қабул қили-

наётган Кодекс лойиҳаларининг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши, бу борада фаоллик, мутахассислар фикрининг ўрганилиши муҳим сиёсий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди. Меҳнат жамоалари, жамоатчилик ўртасида ҳуқуқий тарғиботи янада кўчатириш, ҳар бир ташкилотда ҳуқуқий масалалар билан шуғулланувчи маслаҳат бўлимлари ташкил этиш зорасидан фикр-мулоҳазалар билдирди.

Н. СОБИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ВИЛОЯТЛАРДА ҚОНУН УСТУВОР БЎЛИШИ КЕРАК

Аҳолининг ҳуқуқий саводи юксак даражада бўлган тақдирдагина турмушининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлигини таъминлаш мумкин. Наманганда бўлиб ўтган йиғилишда вилоят аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш тўғрисида гап борди. Унда Наманган вилоятидан Олий Мажлисга сайланган депутатлар, ички ишлар органлари, солиқ инспекцияларининг раҳбар ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал ва Ҳўжалик-процессуал кодекслари лойиҳалари муҳокама қилинди. Олий Мажлис ишчи гуруҳининг аъзолари шу масалаларни тушунириб, изоҳлаб бердилар. Бу ҳужжатлар лойиҳаларининг алоҳида аҳамияти, мамлакат парламенти қабул қилганидан сўнг улар барча босқичларда ўзроқ ҳуқуқий муносабатларни белгилаб бериши айтилди. Йиғилиш иштирокчилари қонунлар лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйишни таклиф этдилар.

Йиғилишда Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборов иштирок этди.

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш йўлидан бораётган мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида қабул қилинган қонунларни янада тақомиллаштириш, барча соҳаларда кенг қўламда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳусусан, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Токи, ҳар бир фуқаро ўзининг қонун билан кафолатланган ҳақ-ҳуқуқини, бурч ва вазифаларини аяши билсин ва уларга амал қилсин. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда бу масалага алоҳида эътибор қаратди.

Шу маънода, Олий Мажлисининг кейинги сессияси умумхалқ муҳокамасига киритган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал ва Ҳўжалик-процессуал кодекслари лойиҳаларини атрофлича ўрганиш

Бухорода ҳам ана шу масалага бағишланган йиғилиши бўлди. Унда ҳар иккала қонун лойиҳаларини янада мукаммаллаштириш зорасидан таклифлар киритилди. (Ў.А.)

## РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан, Озарбойжон Президентини Ҳайдар Алиев шу йил 18-19 июнь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

## «КИБО» -- БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Чирчиқда «Кибо болалар пойабзали» Ўзбекистон Германия қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлди.

Ушбу янги корхонанинг маҳсулотлари мамлакатимиз ички бозорига ўз харидорларини топишга аллақачон улгурган. Сабаби — улар халқимиз талабиди, иқлим шароитимиз, қолаверса, жаҳон андозаларига жавоб бера олади. Бу ерда бир сменада 12 хилда 650-700 жуфт болалар оёқ кийими ишлаб чиқарилаётир.

Ҳозирча корхонага зарур хомашё четдан келтирилмоқда. Келгусида эса бу муаммони ҳал этиш, шу тариқа маҳсулот таннархини арзонлаштириш кўзда тутилган.

Қўшма корхонанинг тантанали очилиш маросимида республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

## ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ИЛОВА

Франция пойтахти Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги тантаналари ўтказилиши муносабати билан «Бухоро ҳақиқати» газетаси инглиз тилида маҳсуе илова нашр этди. У «Бухоро тонги» деб аталади. Зеро, истиқлол шарофати билан Бухоро узра янги тонг отди. Иловада кўна шаҳарнинг тарихи, бугунги кундаги бунёдкорлик ишлари акс эттирилган.

(Ў.А.)

## ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН:

# МАМЛАКАТЛАРАРО ЯШИЛ ЧИРОҚ

Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган 14-«Фишткўприк» божхона мажмуидан репортаж


**Ватан, ота-она, ён кўшни танланмайди — ҳаёт қонунияти шундай. Булар ҳар бир инсоннинг пешонасига битилган азалий тақдир. Ховли олма, кўшни ол, дейди ўзбеклар. Не тонг, Парвардигорнинг ўзи бу жиҳатдан бизни сийлаган.**

Икки туркий халқ — ўзбеклар билан қозоқлар ўртасидаги азалий дўстлик, яхши кўшничлик муносабатлари асрлар синовидадан ўтиб, тобора сайқал топмоқда. Зеро, тили, дини, тарихи, урф-одатлари ягона бу қардош халқларнинг мақсад ва манфаатлари эъзоро туташиб кетган. Улар тўйда ҳам, азада ҳам бир-бирига елкадош. Ўзбек оиласига қозоқ

сулуви, қозоқ хонадонига ўзбек гўзаллигини келин бўлиб тушиши гайриодатий ҳол саналмайди. Бу ота-боларимиздан, қадим аждодаларимиздан қолган анъана. Ўзбек қозоқни «ўз оғам» деса, қозоқ ўзини «бовурим» деб алқайди. Кўнгил кўнгилга нақалар яқин-да!

Ўзбекистон билан Қозоғистон ҳудудини туташтирувчи 14-«Фишткўприк»

божхона мажмуи томон бораётган-у, ана шулар ҳақида ўйланман. Ҳаёл уфқи яна описларга етаклайди. Туронзаминни азим чинорга



қийслайдиган бўлсак, ўзбек ва қозоқ халқлари унинг икки бақувват илдиридир. Миллий мустақиллик қардош биродарлар тақдирда

тўб бурилиш ясаш билан бирга, азалий дўстлик ва кўни-қўшничлик муносабатлари янги саҳифа очди. Ҳар икки мамлакат ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари тобора мустақамланаётганлиги бунинг яққол исботидир. Айниқса, Президентимиз И. Каримовнинг яқинда Қозоғистонга расмий ташриф дўстлик ва ҳамкорлик сари ташланган янги қадам бўлди. Ташриф давомида ўтказилган амалий мулоқотлар, имзоланган ҳужжатлар ҳар икки халқнинг тул манфаатларига ҳамоханлиги билан гоят муҳим ва қимматлидир.

(Давоми 2-бетда).

● МИЛЛИЙ ДАСТУР

Илму маърифат излаш бешикдан бошланиши улуг хикмат эканлигини бутун дунё ахли англаб етаетир. Дарвоқе, жаҳонга маърифат чироқларини ёқиб кетган даҳолари билан фахрланмоққа қодир бўлган халқимиз энди ўзининг эртасини ҳам, кечасини ҳам ўйлайдиган кунларга етиб келди. Айниқса, мустақилликнинг олтинчи йилда қадрлар тайёрлаш ва таълим-тарбия соҳасида жилдиди синовлар бошланди. Чунки мамлакатимиз Президентни, энг аввало, миллий ўзига ҳослик, қадимий таъриб ва бой анъана-лардан келиб чиқиб, миллий дастур тузиш пайти келганлигини кўп бор таъкидлаётир.

Замонавий кадрларга бўлган эҳтиёж юртимиз тараққиётининг мезонидир. Бугун фикрлайдиган, тушунчаси бор, воқеликка ўз муносабатларини холисона билдира оладиган ёшлардан умидимиз катта. Таълим соҳаси ислоҳотга муҳтож бўлиб турибди. Бемалолчиликка берилиб, фақат мутахассислик дипломини кўлга киритган билан иш битмайди. Бунга давр кўрсатапти. Бирор соҳани пухта ўрганмай туриб, ўша тармоқда ишлаш-

нинг ўзига яраша сэлбий томонлари мавжуд. Унда биз, аввало, ўзимизни сўнг эса, юрт ва халқни ялданган бўлаемиз. Рухий қарақчиликни таниш-билишчилик, ошна-оғайничилик, кимлардир орага қўйиб, билан хаспўлашга чек қўйиб вақти келди. Уйғок ва ҳаракатчан, истеъдодли инсонларнинг сая-ҳаракати эвазига Ватанимизни қудратини тобора юксалтиришимиз лозим. Бунинг учун ҳар бир инсон ўзини англаб ўлгуриши, давр сўровини чуқур тушуниб, таҳлил қила билиши керак.

Зеро, улуг шоирлардан бири айтганидек, ҳар биримиз ўзимизни топмоғимиз даркор. Шундангина бошқалар биздан воқиф бўладилар. Таълим тизимини ҳодимлари зиммасидаги масъулиятга эса ана шу нукта нозар билан қаралса, мазкур соҳада кескин ўзгаришлар қилиш зарурлиги ойдинлашади.

Ҳўш, юртдошларимиз, қолаверса, бевосита шу соҳага даҳлдор мутахассислар бу ҳақда қандай фикр юритадилар? Қуйида улардан айримларининг мулоҳазаларини эълон қилаёғимиз.

Жўрақул САТТОРОВ,

Самарқанд давлат университети ректори:

— Умумтаълим мактабларини битирган ўсмирларни ҳаётга тайёрлаш, уларга зарурий касб-хуна ҳисобланган бугунги кунда республикамиз олий ўқув юрталари зиммасига катта вазифа юклайди. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети раҳбарияти бу жиддий масалага анча олдироқ киришган эди. 1996 йилнинг январь ойида университет қошида кўп тармоқли ўқув маркази ташкил этилди. Унда ёшлар бир неча мутахассислик бўйича таълим олишмоқда. Чунки, ўқишни тамомланганларга компьютерда иш юритувчи, икти-содчи, ҳисобчи, солиқ ва банк ходими, тафтишчи, ҳазиначи, бошланғич синф ўқитувчиси, болалар ботларининг тарбиячиси, тиббий муассасалар учун лаборант, ногиронларга хизмат қиладиган педагог-тарбиячилар каби ихтисос-ликлар бўйича гувоҳнома берилади. Ҳўш муддати 6-10 ойлик қилиб белгиланган. Марказ ўзини ўзи маблаг билан таъминлаш асо-сида иш юритади. Ҳўш машу-лотларига университетини жамо-асидан ташқари бошқа ўқув даргоҳларидан ҳам мутахассислар жалб этилади.

борми? Ёки у мактабни битирган ёшларнинг ишсиз қолишларининг олдани олиш чорасими? Менимча, бу масаланинг икки томонлама

шаклда олиб борилиши керак? Ана шу савола имкон даражасида жа-воб изладам.

Ўқувчиларнинг ижодий ташаб-буси ҳам қўллаб-қувватланса, айни мудао бўларди. Ватанимизнинг бўлажак посбон-

# КАДРЛАР КўП... ЛЕКИН НАТИЖА-ЧИ?

- Мухандис (технолог)лар етарлими? Нега уларнинг ўрни сезилмайди?
- Хорижий тилни билиш билан етук мутахассисликка даъвогарлик қилиш мумкинми?
- XXI аср остонасидамиз. Дарсхоналар компьютер билан жиҳозланиши наҳотки, янгилик бўлса?
- Таълим тизимидаги муаммолар аслида бизни ташвишга солиши керак.
- Тарбия -- тарбиячилар сони билан белгиланмайди.

аҳамияти бор. Биринчидан, ёшлар кўнимсизлигига чек қўйилса, иккинчидан, халқ хўжалиги учун зарур мутахассислар тайёрланади. Зеро, Самарқанд вилояти сановати ривожланган, йирик машинасозлик корхоналари жойлашган минтақа ҳисобланади.

**Р. ГАЙНУТДИНОВ,**  
хўнар таълимни ҳодимларининг малакасини ошириш республика институти ректори:

— Маориф тизимини ўзгартириш давр талабига айланди. Етақчи мутахассислар, ўз касбининг пухта билимдонларини тайёрлаш ҳозирги кунда асосий масаладан бири бўлиб қолди. Давлатимиз раҳбарининг бу ишда бош-қош бўлишлари эса қувонарли ҳол. 9 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиб, ундан кейин ихтиёрий-мажбурий уч йиллик ўқув юрталарини ташкил этишнинг афзал томони, бу ўрил-қиларимиз ҳаёт таърибаларига эга бўлиши учун катта имкониятдир. Ушбу ўқув му-датидан сўнг бир касбининг боши-ни тутиб, оқ-қорани таниб ўлгу-рган фарзандларимиз турмуш си-новлари олдидан эсанкираб қолмайди. Ўз йўлини топиб кетишлари аниқ. Шундай экан, ихтиёрий-мажбурий уч йиллик таълим қай

чадан бошламоқ керак. Катта ва тайёрлаш гуруҳларида меҳнат, расм дарсларини ўтказиш, ишлаб чиқариш жойларига экскурсиялар уюштириш лозим. Шу орқали болалар касб танлаш учун кўнижма ҳосил қилади. Ҳўшгина у ёки бу ишда ўзини синаб кўриш, кўрсатиш имконини бериш керак. Буларнинг барчаси юқори синфдан бошлангани маъқул. Чунки тўққизинчи синфдан кейин ўқувчи мах-сус ўқув юртига ўқишга келади. Ҳўш даргоҳнинг тест синови-дан ўтади. Кейин у ўз соҳасига тегишли гуруҳга қабул қилинади. Ҳўш даргоҳнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиши учун унга «рей-тинг китобчаси» ва «ўқувчи би-лети» топширилади.

Юқоридаги ҳужжатлар танта-нади равишда топширимоғи лозим. Бу эра болада билим олиш, хўнар ўрганиш ҳисси ва жамоа олдидики масъулиятини оширади. Бу эра мутахассисликка оид дастурлар ўқитиши мақсада муво-фиқдир.

Ўқишнинг охириги йилида, дипломи ҳимоя қилишга қадавр ўқувчига ишлаб чиқаришда фаол иштирок этиш имкони яратилади. Ёшларга хорижий тилларни му-каммал ўргатиш асосий вазифа-лардан бири бўлиши шарт.

лари -- йнгитларимизга ҳарбий таълим беришга алоҳида эътибор қаратмоғимиз, хизматдаги ёшлар билан алоқаларни кучайтиришимиз лозим.

Бунинг учун ўз ишини пухта билладиган, ёшларни ортидан эргаштира олади-ган уста мурабийларни кўпайтириш керак.

**Мухаммаджон ҲАМИДОВ,**  
иригация ва кишлук хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти декани:

— Албатта, ёшларни замонавий техника ва технологиялар билан му-каммал таништириш мақсадада чет элнинг етакчи ўқув ва илмий мар-казлари билан муносабат ўрнати-шимиз лозим. Бу борада институ-тимиз билан AQШ, Исроил, Хитой ва Туркия давлатларининг олий ўқув юрталари ўртасида ижодий алоқалар қилиш бўйича шартно-малар мавжуд. Факультетимизнинг 9 ходими чет элда таъриба алма-шиш ва малака ошириш мақсадада хизмат сафарларида бўлиб қайтди. Улар AQШнинг Айова, Техас ва Иллиной штатларида сув заҳи-ралари сифатини сақлаш ва тик-лашнинг замонавий йўналиши ва услублари, шунингдек, Исроилда қўлланилаётган сурғориш техника-си, компютерлаштириш ва дас-турлашнинг йўллари билан таниш-дилар.

Чет элларда бажарилаётган ил-мий ишлар натижалари тўғрисида маълумотларга эга бўлиш учун ТИКХМИИ -- REI (AQШ) қўшма халқаро ахборот маркази ташкил қилди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида чет элар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилиши тўғрисида иш-лаб чиқаришга жуда кўп янги те-хнологиялар кириб келмоқда. Уларни ўрганиш ва фойдаланиш учун му-

тахассис, албатта, чет тилини, компь-ютерда ишлашни билиши, бозор иқтисодиёти қонунларини чуқур ўрганиши керак.

«Ватан остонадан бошланади», дей-дилар. Ҳар қандай етук мутахассис бирор милаат ва мамлакатнинг ва-қили ҳисобланади. Чет элларда унинг маънавияти ва маданиятига қараб баҳо берилади. Шунинг учун биз тайёрлаётган кадрлар ўз мамла-кати, халқи тарихи, урф-одатлари ва қадриятларини билиши, ардоқлаши лозим.

Миллий кадрларимиз маънавияти ва савияси даражасини юксалтириш, айниқса, республикамиз мустақил бўлгандан сўнг кун тартибдаги биринчи масала бўлиб қолди.

Шу ўринда ана бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. Шартнома асосида ин-ституларга талаба қабул қилишнинг ижобий томонлари катта. Керакли маблағи йўқ оилада тарбияланган, лекин ўқишга, ҳақиқий мутахассис бўлишга ҳаракати бор ёшларимизга имконият яратиш зарур. Республи-камиздаги мавжуд банклар томони-дан уларга узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилса (бундай таърибалар ривожланган чет эл давлатларида мавжуд) яхши бўларди.

Таълим-тарбия тизимида жиддий ўзгаришлар сезимаётгани рост гап. Бу соҳанинг даврган орқага қолётгани, «оқсаётгани» сир эмас. Тўғриси айтаман, жамиятимиз ривож, жами ислохларнинг амла-га ошуви етук мутахассисларга боғлиқ. Кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия ишига ўзгаришлар соғир бўлмаётган экан, албатта, бу хусу-са жиддий қайғуришимиз, шу маса-лага беъэтибор назар ташламасли-гимиз керак. Эскича ўйинда ўқишни усулларини тамоман воз кечиб, та-фақуришимизни тушоғва солган қол-ларни бузишга ҳаракат қилмасак, ис-тисак-истамасак, замон синовлари-га дош беролмаймиз. Назарий билим-ларни тўлиқ амалиётга қўллаб ол-маган мутахассис, жамиятга ҳеч қан-дай фойда келтирмайди. Юртбоши-миз «Кадрлар тайёрлаш бўйича мил-лий дастурни тузиш» комиссиясе-нинг йиғилишида таъкидлаганидек, «бу тизимдаги ишларимиз ҳамоно эски қолипа давом этмоқда ва у ҳозирги замон талабларига мутлақо мос эмас. Шунинг учун биз бу тизимга танқидий нукта назардан баҳо беришимиз, миллий дастуримиз-га қандай ўзгаришларни амалга оши-риш лозимлигини белгилаб олишимиз зарур...».

Юқорида суҳбатдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан танишди-гимиз. Очиги, таълим соҳасига мав-жуд муаммолар кўнгидагудай таҳлил этилди, деб айтолмаймиз. Мазкур тизимга қилинажак ислохлар за-мирида давр юки, юртимиз келажа-ги тўлиқ акс этиши лозим. Миллий кадрлар тайёрлаш масаласи эса шун-чаки гап эмас. Биз бу борада аниқ ва заворли тақлиф-мулоҳазалар бил-дириш, чиқишлар қилиш учун таъ-лим йўналишининг забардаст вақил-лари, фаннимиз фугойилари, ўз кас-бининг билимдон ва зукко тарбия-чиларига таянамиз, улар газетамиз-нинг кейинги сонларига янада ёркироқ «тош босади» мақоалар билан қатнашадилар, деб умид қила-миз.

Кўчкор НОРҚОБИЛ,  
Норқобил ЖАЛИЛ  
ёзиб олди.

**ХАБАРЛАР ОКИМИ**

**ТЕЖАГАНИ -- НАҚД БОЙЛИК**

Самарқанд вилояти Октош шаҳридаги пахта тозалаш заводига чикитдан нотўғима мато тайёрлаш йўлга қўйилди.

Илгари корхонада пахта тўлашда зарур бўладиган бундай мато четдан олиб келинарди. Натижада, ҳар йили қарий ўн беш миллион сўм сарфланарди. Нотўғима мато ишлаб чиқаруви цех фойдаланишга топширилган, ортиқча харajatга чек қўйилди. Утган йили бу эра элик минг метр маҳсулот тайёрланиб, уни сотишдан етти миллион сўм соф даромад олинди. Қолаверса, ана кирк киши ишга жойлашди.

Бу йил заводда юз минг метр мато ишлаб чиқариш ва даромадди ўн миллион сўмдан ошириш мўлжалланаётир.

Корхонада, шунингдек, қурилиш ташкилотлари ишчилари учун қўл-қон, урулғи қиғит сақланадиган махсус халталар ҳам тикилмоқда.

**М. МУҚИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Қўшма Корхона иш бошлади**

Қашқадарё вилояти-нинг маркази -- Қарши шаҳрида Ўзбекистон -- Индонезия қўшма корхона иш бошлади. У «Қашқадарётелеком» деб аталмоқда. Корхона чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда барча алоқа тармоқларини халқаро талаблар даражасида янги ускуналар билан жиҳозлаб беради. Алоқа ходимлари эса абонентлар сони 288 мингга етказишни мўлжалламоқдалар.

Бу юмушларда қаш-қадарёлик алоқаларига Индонезиянинг «Бакри коммуниқейш» компла-нсийсининг мутахассисла-ри қикдан ёрдам бера-дилар. Улар телефон станцияларида энг замо-навий жиҳозларни ўрна-тиш жараёнида бевосита иштирок этишади.

**П. ГАДОВЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ГАЛЛАКОРЛАРГА ЯНГИ МАШИНА**

Галлаоролдаги «Гал-ла» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмаси олимларининг деҳқонлар билан узоқ йиллик ҳамкор-лиги, нияти, ўз самара-сини берди: гўза қатор-ларига дон эқадиган се-вялка ва урулғини дори-ладиган мослама яратилди. Бу «жайдари машина»нинг афзаллиги ҳақида бирлашманнинг бўлим бошлиғи Б. Қоржовов шундай деди:

«Дўстлик тумани ма-шина-трактор парк муҳандислари билан бир-га оддий севлакнинг ишчи қисмларига ўзгар-тириллар киритиб, шу машинани яратди. У бир йўла уч юмушини бажаради: култивация қилади, уруғни сепади, уни тупроқ остига қўмиб кетади. Бу жараёнлар эса катта иқтисодий самара беради.

Янги дорилар мосла-масига келсак, у трактор-ларга тиркаб ишлатила-ди. Чет элда ишлаб чиқарилаётган турдош мосла-мадан 4-5 баробар ар-зон. Иш унуми эса икки ҳисса юқори бўлиб, со-атиға ўн тоннадан ўттиз тоннагача уруғни дори-лайди.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Республикамиз пойтахтини Фар-гона водийси вилоятлари билан боғлайдиган асосий автомобиль йўлларида бири Камчик довозни орқали ўтади.**

**Туннел учун ЭЛЕКТР ҚУВАТИ**

Эндиликда довонга электр қуввати етазиб беришдаги барча муаммо ҳал этилди -- бу эрада кичик станция ишга туширилди.

Янги кичик станциянинг ишга туширилиши йўлни таъмирлаш ҳамда тоғ йўлидан хавфсиз ўтишни таъминлаш учун довонда иккита туннел қурилишини анча тезлашти-ришга имкон беради. Электр энергияси туннел қурувчи-ларга мавжуд техника қува-тидан тўла фойдаланишга шараит яратяди, бу эрада иш-лаб турган бетон қорадиган кичик заводда маҳсулот тайёрлаш ҳам қўлайди.

Довонда қурилишни электр-лаштириш ишлари давом этмоқда. Тез орада ана бир «Камчик» кичик станцияси ишга тушади. Бу станцияси электр қувватини келтириш учун 35 километр узунли-даги линияни тортишга тайёргарлик қўрилмоқда.

**Н. ХўЖАЕВА,**  
ЎЗА мухбири.

# МАМЛАКАТЛАРАРО ЯШИЛ ЧИРОҚ

(Давоми. Боши 1-бетда).

...Кеч тушиб қолганига қарамай, бохона хулудиде ҳаёт ўз оқимида давом этарди. Вазиятни кузатиб, бир нарсага иқроқ бўлдим: илгаридек тала-тўп, шов-қин-сурон йўқ. Ярим чакиримга чўзилиб кетадиган машиналар қарвоини ҳам учратмайси. Йўловчилар ҳар икки томон-га эмин-эркин ўтиб-қайти-шапти. Ҳужжатлар тўғри ва қонуний бўлса -- бохона ва ДАН ҳодимлари учун шунинг ўзи кифоя. Бирров кўздан кечириб, ўтказиб юборишапти. Бошлиқ хонаси томон бораётиб, иттифоқо, икки қариянинг гурунги қулоғимга чалинди. Уларнинг бири ўзбек, иккинчиси қозоқ миллатига мансуб эди. Туркийзабон қардошларга таржимон чикора!

«Садагаси кетай, юрт-бошиларинг ҳўп танти, бир сўзли инсон-да, -- дерди қозоқ киши бошини сарак-сарак қилиб. -- Кечагина бизнинг элда бўлганида икки халқ ўртасидаги борди-келиди, савдо-тижорат муносабатларини яхшила-либ, бу йўлдаги бюрократ-тик тўсиқларни олиб таш-лашга ваъда берганди. Мана, бугун Чимкентдан келиб, сўз билан ишининг бирлигига ишонч ҳосил қилдим. Қўлни-қўлга бер-сак, ҳозирги қийинчилик-лар ҳаш-паш дегунча ўтиб кетади.

«Тўғри айтасиз, Ирис-мет ога. Ҳамма гап аҳил-

ларини бериши шак-шубҳасиз.

«Ушбу масаланинг бир чеккаси бизга ҳам боғлиқ, -- дейди бохона мажмуи бошлиғи, 2-даражали бохона маслалачиси, пол-повковни Ш. Низомов. -- Юртбошимиз томонидан билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўз ишимизни савдолаштиришга ҳаракат қилаёғимиз. Йўловчилар ва турли хил халқ хўжалиги юкларини асоссиз ушлаб туриш ҳолларига барҳам беришмоқда. Вазирлар Маъ-камасининг тегишли қаро-рига асосан ҳужжатлар тез ва осон расмийлаштири-лапти. Бохоначиларимиз эса, тушун-қун сертак. Улар-дан қатъий масъулият ва ҳўшёрликни талаб қила-миз. Бу ўз-ўзидан тушунар-ли, албатта. Зеро, юрт шай-

ни, Ватан манфаати ҳар нарсадан муқаддас. Шу бо-исдан ҳам товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик, гўнхўванд-ликка қарши кураш, те-гишли бож тўловлари бюд-жетга тўлиқ ва ўз вақтида ўқузалишини таъминлаш учун зарур чоралар қўрил-моқда.

«Бир кеча-қундузда ҳар икки томонга қанча маши-на ўтиб қайтди? -- Тахминан уч минг ат-рофида.

«Ҳаммасини текши-ришга улгурасизларми? -- Улгурамиз. Бизда ҳар смеанда 13-14 киши меҳнат қилади. Жами ҳодимлари-миз -- 45 нафар. Иш жараёни инфомерал усулда ташкил этилган. Демокчи-манки, шу ерининг ўзида ДАН бўлими, карантин ва

ветеринария хизмати. Мил-лий банк ҳамда солиқ шо-ҳобчаси мавжуд. Бундан мақсад замонавий бохона тизимини вужудга келти-ришдир. Майда тартиб-бузарликлар ўз йўлига. Аммо катта миқдордаги та-ққиланган товар-моддий бойликларни тегишли сер-тификатсиз ва ҳўжжасиз олиб ўтишга уриниш ҳо-длари ҳам содир бўлиб тур-радими, уларга қарши кес-кин чоралар қўришга маж-буриймиз. 1997 йилнинг беш ойи давомида ғайриқо-нуний хатти-ҳаракатлар юзасидан 9 та жиноий иш қўзғатилди. Шундан 2 таси гўнхўванд моддаларни со-тини ва сотиб олиш билан боғлиқ.

Бошлиқ айтган ҳамма гапларни қоғозга туширол-мадик. Бунинг ҳождати ҳам йўқ. Чунки асл мақсадимиз бошқа. Ташқарига чиққа-нимизда, осмон бетини бу-лут қоплаган, шивалоб ём-ғир ёға бошлаган эди. Бох-хона тўсиқлари дам сайин тушиб, дам сайин кўтари-лади. Ҳўжжатларини назор-ратдан ўтказётган баъзи йўловчиларга мурожаат қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқ-дик.

**Музаффар ОХУНБОБОВ,**  
Қибрай тумани, «Кўрувчи» қўрғони.

**Баҳор кўчаси, 4-уй:**  
«Авалдан айтиб қўйай: йўларда юриш енгилла-шмиш қолди. Илгари тез-тез тўхтатиб, бўлар-бўлмаста

тектиришавардиди. Энди ундай эмас. Ҳўжжатиғиз жойида бўлса, Чимкент орқали Алматыгача қўй-налмай, бемалол кетавера-сиз. Эҳ-ҳе, бу йўлардан кимлар юрмаган, дейсиз... Президентимизнинг Қозо-ғистонга расмий ташрифи-дан кўп нарса кутгандик. Ниятларимиз ушлади. Бох-хона, ДАН ҳодимлари фао-алиятда ижобий ўзгариш-лар юз кўрсатаётган экан, бу аввало, ҳар икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ама-лий мулоқотларнинг мева-ларидир.

**Эрик СОДИҚОВ,**  
Чимкент шаҳри,  
Шоахова кўчаси, 10-уй:

-- Тошкентда қарин-дошларимиз истиқомат қилишади. Уларни қўригани келганим. Бу сафар фақат бохонадан ўтаётганда ҳўжжат кўрсатдим, холос. Биз, қозоқлар ва ўзбеклар аслида битта онанинг фар-зандларимиз. Бир-бири-мизни соғиниб яшайлигу, аммо ўртанимизда айрилиқ бўлмасин. Ҳар икки мам-лакат ҳулудига тўсеқларсиз, эмин-эркин ўтиб-қайтганга не етсин!

Бу гапларга изоҳнинг ҳождати бўлмасе керак. Зеро, дўстлик ва қардош-лик туётулари тилда эмас, диллар тубиде мужассам бўлади.

**Носир ТОШЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.






# «САЛОМ, ТОШКЕНТ. САЛОМ, ФЕСТИВАЛЬ!»

Кинофестиваль маҳфиясидаги ушбу сўзлар эндиликда дунёнинг турли чеккаларида ҳам жаранглапти

«Ибтидонинг интихоси бор» деганларидек, қанча вақтлар оралиқда кутилган XII Тошкент кинофестивалининг яқунланганига ҳам мана икки ҳафтадан ошди. Лекин унинг ҳар бир кунини унутилмас воқеалар, оламжаҳон таассуротларга бой бўлганлигини тан олиш керак. Учрашувлар, турли хил тадбирлар ва ўзаро мулоқотлар меҳмонлару мезбонлар хотирасида бир умр муҳрланиб қолиши шубҳасиз.



Фестиваль кунлари америкалик кино ижодкорлари ишлаган фильмлар ҳам пойтахтимиз кинотеатрларида намойиш этилди ва томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Алишер Навоий номидаги муҳташам Санъат саройида Америка фильмларидан бири қўйилгандан сўнг, биз Натан Срезингер билан ҳам суҳбатлашган эдик. Ушунда у Тошкентта шунчаки келмаганлиги, имкони борича ўзбек киноси билан яқиндан танишиб, биздаги бу соҳа ижодкорлари билан яқиндан алоқа ўрнатиш ниятида эканлигини ҳам маълум қилган эди. Анжуман ниҳоясида эса, у Тошкент сафари ўзи учун жуда фойдали бўлганлиги ҳақида тўқтиниб сўзлади. Демак, биз ўзбек ва Америка киноусталари ҳамкорлигининг маҳсулини амалда кўришдан умидвор бўлишга ҳақликим.


Фестиваль кунлари америкалик кино ижодкорлари ишлаган фильмлар ҳам пойтахтимиз кинотеатрларида намойиш этилди ва томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Алишер Навоий номидаги муҳташам Санъат саройида Америка фильмларидан бири қўйилгандан сўнг, биз Натан Срезингер билан ҳам суҳбатлашган эдик. Ушунда у Тошкентта шунчаки келмаганлиги, имкони борича ўзбек киноси билан яқиндан танишиб, биздаги бу соҳа ижодкорлари билан яқиндан алоқа ўрнатиш ниятида эканлигини ҳам маълум қилган эди. Анжуман ниҳоясида эса, у Тошкент сафари ўзи учун жуда фойдали бўлганлиги ҳақида тўқтиниб сўзлади. Демак, биз ўзбек ва Америка киноусталари ҳамкорлигининг маҳсулини амалда кўришдан умидвор бўлишга ҳақликим.

Фестиваль кунлари америкалик кино ижодкорлари ишлаган фильмлар ҳам пойтахтимиз кинотеатрларида намойиш этилди ва томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Алишер Навоий номидаги муҳташам Санъат саройида Америка фильмларидан бири қўйилгандан сўнг, биз Натан Срезингер билан ҳам суҳбатлашган эдик. Ушунда у Тошкентта шунчаки келмаганлиги, имкони борича ўзбек киноси билан яқиндан танишиб, биздаги бу соҳа ижодкорлари билан яқиндан алоқа ўрнатиш ниятида эканлигини ҳам маълум қилган эди. Анжуман ниҳоясида эса, у Тошкент сафари ўзи учун жуда фойдали бўлганлиги ҳақида тўқтиниб сўзлади. Демак, биз ўзбек ва Америка киноусталари ҳамкорлигининг маҳсулини амалда кўришдан умидвор бўлишга ҳақликим.



## ПАРИЖДАГИ ТАНТАНАЛАРГА АТАБ

Франция пойтахти Парижда ўтаётган қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик юбилей тапталаларига мамлакатимиз матбаачилари ҳам ўзига хос тўхта тийёрлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзбекистон», Гафур Ғулом номидаги нашриётлар ЮНЕСКО қароргоҳида ўтаётган байрам тадбирларига аталган махсус юбилей плакатлари, буклетлар ва альбомларни ўзбек, француз, инглиз, рус тилларида босмадан чиқарди. Парижда ўтаётган концерт дастури, расмлар кўргазмаси ва бошқа тадбирлар учун француз тилида таклифнома



Мазкур нашрлар Марказий Осиёда ягона Ўзбекистон-Британия «Растр» қўшма корхонаси билан биргаликда амалга оширилди. Бу ҳамкорлик республикамизда жаҳон андозаларига мос матбаа маҳсулотлари тийёрлаш имконини бермоқда.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Биз нима учун мавзуга қайтаймиз? Гап шундаки, фестивал қатнашчилари ўз юртига қайтиб борган, ажойиб хотираларини яна бир бор биз билан баҳам кўришни хоҳладилар. XII Тошкент халқаро кинофестивали бош директори Темурмалик Юнусов номига келатган миннатдорчилик мактубларида баён қилинган фикрлар шундан далолат беради. «Энг аввало, Сиз ва ташкилотчиларни Тошкент кинофестивалининг катта муваффақияти билан ўтганлиги муносабати ила табриклашга ижозат бер-

гайсиз, -- деб ёзди ҳиндистонлик таниқли режиссёр, продюссер ва актёр Акбар Хон. -- Ўзбек халқининг қайноқ меҳри, инсоний муносабатлари, азалий анъаналари, урф-одатлари ҳамда бой маданий мероси бизда чуқур таассурот уйғотди. Ўзбекистон ҳукумати ҳамда кино ижодкорлари бу ажойиб анжумани ҳақиқи байрамона руҳда ташкил этилди, у хотирамизда бир умр муҳрланиб қолажак». «Хурматли жаноб Т. Юнусов! Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонда Америка кино

усталарига нисбатан кўрсатилган юксак эҳтиром ва меҳмондўстлик учун яна бир бор ташаккур изҳор қилмоқчиман. Мазкур анжуманини барча қатнашчилари, биз сиз билан келишиб олганимиздек, шу йил ноябрь ойида бўладиган «Голливуд ҳафталиги»га тийёрликларда иштирок этишни судаям истайман. Ишончим комилки, юртинларингиз бу ердан меҳмондўст ўзбек заманига ажойиб дўстлар ва ҳамкорлар топган ҳолда қайтишадир.

Хурмат билан Натан СРЕЗИНГЕР»

### • ШУНДАЙЛАР БЎЛМАСА...

## ТАРЛОН ИЗИН БОСГАН ТОЙЧОҚЛАР



га толасиз. Хом сут эмган баъзи бандалар «суяксиз тил» билан қанчадан-қанча одамнинг кўнглини чўктирмайди, дейсиз. Шу ҳақда уйласам, биз Рустамга эмас, у айримларга ачинади керак, деб қўяман ўзимча. Ахир, у ўз маҳорати билан эл олқишига сазовор бўлган инсон. Саодатли бир оиланинг бошлиғи, тўртта гулдай фарзанднинг отаси. Хўш, яна нима керак ўзи инсон учун? Ким билсин, ундаги куч, эпчиллик, маҳорат забонсизлик эвазига ато этилгандир, балки. Нима бўлганда ҳам ўз элининг ор-номусини ҳимоя қилишга доим шай бўлган Рустам чавандозни Алпомишнинг ҳақиқий авлодига менгайм.

Ўзбек халқининг энг қадимий ва миллий анъаналаридан бири кўпқари уйиндир. Бу спорт тури, айниқса, мамлакатимизнинг жанубида кенг омма-лашган. Унда сиз ҳақиқий жасоратни, мислсиз куч ва ғаيراتни, энг муҳими, ўзбеконга орийатни кўрасиз. Оқдўйгина мисол: Қашқадарёнинг Деҳқонободи ўзининг машҳур кишилари билан чор тарафга доврғ таратган. Унда парча оддийгина ёғочни «сайратган» Умир баҳши Сафаров, Қодир баҳши Раҳимов, Қажор баҳшилар, кўпкарида бировга зот бермаган Панжи, Дўстмамат, Рўзӣмамат, Хўшбоқ синғари чавандозлар, даврани «бойлаган» Холиёр, Норали, Эшимкул каби полвонлар Деҳқонободда туглиб, воғға етган. ... Рустам чавандозга худо ҳар тарафдан берган: фарзанд ҳам, обрў-этибор ҳам, ризқ-насиба ҳам. Лекин бири кам дунё, деганларидек, тақдир уни забондан қисди. Чавандоз одам билан тиллаша олмас-да, бироқ юраги билан «гаплашади». Муҳи-

ми, Яратганининг ўзи унга шундай сўловчи юрак ато этган. Рустам жуда ҳалол чавандоз. Айниқса, у кўпқарида гирромликни билмайди. Ҳалоллаб чопади, ҳалоллаб айиради. Рустам улоққа панжа урса, атрофини қийқирик тутади. Темирдек бармоқлар улоқ пойчасидан эпчиллик билан тўтиб, тақимга тортади. Ана энди ундан биров улоқни тортиб олиб кўрсин-чи! Чавандознинг мақсадини севгандек, тулпори ҳам ўқдек учиб, даврани ёриб чиқади. «Халол, халол!!!» Баковулнинг қийқириги -- ғалабанинг тасдиғи. Қажра-номинимиз эса от устида қоядек қаққайиб ортига қайтади. Бундай ҳолатлар бир кўпкарида унлаб марта такрорланади. Баъзида атрофдагилар унга ачинади билан боқадилар. «Ай, художон-ай, шундай нор жигит тилсиз бўлама?» Аммо кўпчилик уйлагандек, у забонсизлиги туфайли чинданам бахтсизми? Бахт дегани нима ўзи? Хаёлингизда шундай уйлар буй кўрсатса, беихтиёр фикр-

### • СПОРТ

## ҚОРАҚАЛПОҚ БОКСЧИСИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Қорақалпоғистонлик бокс ишқибозлари Таиланднинг Бангкок шаҳридан олинган хушхабарни илиқ бир энтиқиш билан кутиб олишди: тай-боксе бўйича ўтказилган навбатдаги жаҳон биринчилигида, худди ўтган йилдагидек, уларнинг ҳамюрти Эркин Қўтибоев барча рақибларини доғда қолдириб, голиблик шўхусласининг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

91 килограмм вазнда жаҳон голиблигини биринчи марта қўлга киритган. Бу йилги биринчиликда Эркин дастлаб таиландлик боксчини нокаутга, иккинчи жангда молдовалик рақибини ҳам худди шу кўрсаткич билан енгиб, финалда қозғистонлик боксчини очколар ҳисобида мағлубиятга учратди ва иккинчи марта жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.

Э. Қўтибоев — кик-боксе бўйича Европа чемпиони 1995 йилда эса тай-боксе бўйича

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи  
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир  
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси


БЎЛИМЛАР:  
Парламент 33-57-34;  
Хатлар 33-07-48;  
Хўж ва қонучилик 36-37-85;  
Иқтисодийёт 36-36-65, 36-07-94;  
Маълумият 36-35-60;  
Тўғи муҳарририят 33-10-28;  
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001  
Булуғта Г — 0377, 46.094 нуҳсада босилди,  
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А-2  
Газета ИВМ компьютерида терилди ва  
оператор Рустам АЗИМОВ томонидан  
саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Топев.  
Навбатчи — А. Йўлдошев.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Режапов.

Сиз мамлакатимиз табиий бойликларини кўз қорачиқидек асраб-авайлашни истайсизми? Рўзвориниҳидаги газ ва сув учун кетадиган харажатларни тежашни-чи?..  
Унда марҳамат қилиб  
"СУВЖИҲОЗГАЗ"  
Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасининг  
хўжалик ва саноат учун мўлжалланган ҳар хил турдаги  
"Дўстлик" маркали  
газ ва сув  
ўлчагич асбобларидан фойдаланинг.  
Бизнинг маҳсулотлар ҳам сифатли, ҳам арзон.  
Мурожаат учун манзилимиз: Ҳамза тумани, Элбек кўч., 26.  
(Чкалов метроси яқинида, 9 қаватли уйнинг 1-қаватида жойлашган.)  
Тел.: 96-70-94, 96-53-71. Факс 96-06-87.



Эркақлар бақувват бўлиши керак

СТАМИНА

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси чет тиллар бўлимининг муҳаррири И. Файзуллаевага волидан муҳтарамаси

Хайришо БОЙМУҲАМЕДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси давлат қисқа муддатли облигацияларининг 22004UMFS чиқарилишини жойлаштириш яқунлари бўйича  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ  
РАСМИЙ ЭЪЛОНИ

22004UMFS-сонли чиқарилишидаги давлат қисқа муддатли облигациялари (1997 йил 11 июнда чиқарилган, қоплаш санаси - 1997 йил 10 декабрь, муомалада бўлиш муддати -- 182 кун) ни жойлаштириш бўйича «қимовши» савдоси Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида шу йил 11 июнь кунини бўлиб ўтди.

«Қимовши» савдосида 13 та дилер-банк қатнашди. Облигацияларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳажми -- 2000,0 млн. сўмини ташкил этди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар рақобатдош талабномалар умумий ҳажмининг 20 фоизигача миқдорда берилишига руҳсат этилди.

«Қимовши» савдосига облигация номинал қийматининг 84,60 фоиздан 87,06 фоизгача бўлган баҳолар доирасида талабномалар берилди. Тушган рақобатдош ва рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг умумий ҳажми номинал ҳисобида 1620,711 млн. сўмини ташкил этди.

Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг минимал баҳоси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарорига мувофиқ, облигация номинал қийматининг 86,60 фоизга тенг. Қондирилган рақобатдош талабномаларнинг умумий ҳажми эса 782,864 млн. сўмдан иборат.

«Қимовши» савдоси қондирилган барча талабномаларнинг ўртача баҳоси облигация номинал қийматининг 86,89 фоизини ташкил этди. Рақобатдош бўлмаган талабномалар ҳам худди шу баҳода қондирилди. Уларнинг умумий номинал ҳажми 98,362 млн. сўмга тенг бўлди.

Жами номинал ҳисобида 881,166 млн. сўмлик облигация сотилди.

«Қимовши» савдоси натижалари бўйича облигацияларнинг даромадлиги қуйидагича бўлди:

«Қимовши» савдоси яқунлари бўйича даромадлилик (йиллик % ҳисобида)	Минимал баҳода	Ўртача олинган баҳода
86,60%	86,60%	86,89%
Оддий фойзалар услуби бўйича	31,03	30,26
Мураккаб фойзалар услуби бўйича	34,45	32,55

«КАФОЛАТ ИНВЕСТ»  
БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯСИ

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ  
DAROMAD Plus

бир дона акция нархи

ҳар бир акция

100 СЎМ

600 СЎМ

АКТИВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН

ШОШИЛИНГ: ХИФ "Даромад Плюс" акциялари фойдали ва Турон банкнинг ҳамма шохобчаларида сотилмоқда. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 8-уй, "Биржа Маркази", 18-қоша. Тел.: 320746, ички-300.

ХИФ "Даромад Плюс" акциялари фойдали ва ишончлидир.  
07.01.97 йил 460-сонли лицензия.